

Юридик шахсларнинг фойдасидан олинадиган солиқ

Юридик шахслар тушунчаси. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи тўловчилар ва фойда солиғи объекти.

Юридик шахсларнинг жами даромадлари таркиби.

Юридик шахсларнинг солиқ солинадиган базадан чегириладиган ва чегирилмайдиган харажатлари.

Молиявий натижаларни шакллантириш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида”ги ПҚ-4086 сонли Қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг “2019 йилда солиқ қонунчилигига киритилаётган ўзгаришлар юзасидан” Ўқув қўлланма. Тошкент-2018 йил.
3. А.С.Жўраев ва бошқалар. Солиқлар ва Солиққа тортиш. Ўқув қўлланма. Т. 2009.
4. www.soliq.uz
5. www.lex.uz

**Фойда
солиғи тўловчилар**

**Солиқ Кодексига
мувофиқ молия йилида солиқ
солинадиган фойдага эга
бўлган юридик шахслар
хисобланади.**

**Юридик шахслар фойда солиғи тўловчилари
бўлиши учун қуйидаги шартларга жавоб бериши керак:**

бирор рухсат этилган фаолиятдан фойда олиши;

ўзининг мулкига эга бўлиши;

мустақил тугалланган бухгалтерия балансига эга бўлиши;

банкдан ҳисоб рақамига эга бўлиши;

идентификацион рақамига эга бўлиши;

ҳокимиятдан рўйхатдан ўтган бўлиши шарт.

**Фойда
солиғи
тўловчи
Юридик
шахслар**

Ўзбекистон Республикасининг резидентлари.

Ўзбекистон Республикасининг резиденти деб қуйидагилар эътироф этилади:

Ўзбекистон Республикасида давлат рўйхатидан ўтган юридик шахс;

Ўзбекистон Республикасида доимий яшаб турган ёки жорий солиқ даврида яқунланаётган ҳар қандай кетма-кетликдаги ўн икки ойлик давр ичида жами бир юз саксон уч кун ва ундан ортиқ муддат Ўзбекистон Республикасида турган жисмоний шахс.

Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга ошираётган ёки ҳосил бўлиш манбаи Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган даромадларни оладиган Ўзбекистон Республикаси норезидентлари.

Норезидентнинг Ўзбекистон Республикасидаги доимий муассасаси деганда норезидент Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган, шу жумладан фаолиятни ваколатли шахс орқали амалга ошираётган ҳар қандай жой эътироф этилади.

Юридик шахсларнинг жами даромадлари таркиби

**Юридик
шахсларнинг
жами
даромадлари
таркиби**

юклаб жўнатилган
товар, бажарилган
ишлар, кўрсатилган
хизматлар ва бошқа
операциялар учун
юридик шахс олиши
лозим бўлган (олган)
ёки текинга
олган пул ёхуд
бошқа маблағлар

Жами даромадларга қуйидагилар киради:

- маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотилишидан келадиган тушум;
- асосий воситалар, номоддий активлар, қимматли қоғозлар, интеллектуал мулк объектлари, материаллар ва бошқа активларни сотишдан келадиган даромад;
- фоизлар кўринишидаги даромадлар;
- дивидендлар;
- бепул олинган мол-мулк ;
- мол-мулкни ижарага беришдан келадиган даромад;
- роялти-интеллектуал мулкларнинг ҳуқуқидан даромадлар, муаллифлик ҳақлари, патентлари, чизмалар товар белгилари, янги моделлардан даромадлар;
- текин молиявий ёрдам (давлат бюджетидан субсидиялар бунга кирмайди);
- даъво муддати ўтиб кетган кредиторлик ва депонентлик қарзларини ҳисобдан чиқаришдан олинган даромадлар.
- илгари чегирилган харажатлар, зарарлар ёки гумонли қарзларни қоплаш кўринишида олинган даромадлар;
- валюта ҳисобварақлари бўйича курсдаги мусбат фарқ;
- фавқулодда даромадлар ;
- бошқа даромадлар.

Жами даромаддан чегирмалар:

- кўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи, мол-мулк солиғи, ер солиғи, ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, шунингдек божхона божлари суммалари;
- банкларнинг ва бошқа молия-кредит ташкилотларининг қисқа муддатли кредитлари бўйича фоиз тўловлари суммалари, тўлов муддати ўтган ва тўлов муддати узайтирилган ссудалар бўйича фоизлар бунга кирмайди;
- ходимларга иш ҳақи тўлаш бўйича харажатлар;
- белгиланган тартибда киритиладиган рента тўловларининг суммаси;
- ижара ҳақи;
- асосий воситаларни таъмирлаш харажатлари;
- чет эллик юридик ва жисмоний шахсларнинг моддий харажатлари ва кўрсатган хизматларининг қиймати;
- мажбурий суғурта тўловлари бўйича ўтказиладиган, қонун ҳужжатларига мувофиқ иш ҳақига ҳисобланган суммалар;
- маҳсулотни (хизматларни) сертификатлаш ишларига ҳақ тўлаш харажатлари суммалари;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ нормалар бўйича хизмат сафари харажатлари суммалари;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ нормалар бўйича вакиллик мақсадларидаги харажатлар суммалари;
- реклама харажатлари суммалари;
- қонун ҳужжатларида белгиланган нормалар доирасида кадрлар тайёрлаш ва уларни қайта тайёрлаш учун харажатлар суммалари;
- лизинг объектини сотиб олиш учун олинган кредитлар фоизлари ва бошқа белгиланган тўловлар суммалари;
- лизинг берувчининг лизинг шартномаси бўйича лизинг тўлови таркибида тўланадиган даромади;
- қонун ҳужжатларида белгиланган нормалар доирасидаги ихтиёрий суғурта турлари бўйича харажатлар суммалари;
- қонун ҳужжатларида белгилаб қўйиладиган бошқа мажбурий тўловлар.

**Фойда
солиғи
базасининг
шаклланиши**

**1995 йилдан жорий этилган,
1999 йил 5 февралдаги Вазирлар
Маҳкамасининг 54-сонли қарорига
асосан қайта ишланган
“Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни
ишлаб чиқариш ва сотиш
харажатлари таркиби ҳамда
молиявий натижаларни
шакллантириш тартиби
тўғрисида”ги Низомга
асосан амалга оширилади.**

Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексига асосан қуйидаги юридик шахслар фойда солиғини тўлашдан озод қилинади:

- протез-ортопедия буюмлари, инвентари ишлаб чиқаришга, шунингдек ногиронларга хизмат кўрсатишга ихтисослашганлари - асосий фаолият тури бўйича;
- ишловчилари умумий сонининг камида 50 фоизини ногиронлар, 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийлари ташкил этган, ногиронлар жамоат бирлашмалари, "Нуроний" жамғармаси ва Ўзбекистон чернobilчилари уюшмаси мулки бўлганлари, бундан савдо, воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлов фаолияти билан шуғулланадиган юридик шахсларга таъллукли эмас.
- даволаш муассасалари қошидаги даволаш-ишлаб чиқариш устахоналари;
- жазони ижро этиш муассасалари;
- нотижорат ташкилотлари.
- тарих ва маданият ёдгорликларини таъмирлаш ва қайта тиклаш ишларини амалга оширишдан олинган даромадлар (фойдалар) бўйича;
- давлат облигациялари ва бошқа давлат қимматли қоғозлари бўйича дивидентлар ва фоизлар бўйича;
- Ўзбекистон Республикасининг инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларга капитал маблағлар сарфлайдиган, хорижий инвестиция иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналари - рўйхатдан ўтган вақтидан эътиборан дастлабки етти йил давомида;
- янги ташкил этилаётган корхоналар, шу жумладан хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар (савдо, воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлаш фаолияти билан шуғулланувчиларидан ташқари) рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб биринчи йилда даромад (фойда) солиғини тўлашдан озод этиладилар, иккинчи йили белгиланган ставканинг 25 фоизи миқдорида ва учинчи йили 50 фоизи миқдорида солиқ тўлайдилар. Кейинги йилларда даромад (фойда) солиғи белгиланган ставка бўйича тўлиқ миқдорда тўланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги ПФ-5468-сонли фармони билан белгилаб берилган асосий йўналишлардан келиб чиқиб, 2019 йил 1 январдан бошлаб:

| № | Тўловчилар | Солиқ ставкалари |
|-----------|-------------------------|-------------------------|
| 1. | Юридик шахслар | 12 |
| 2. | Тижорат банклари | 20 |

Молиявий натижаларни шакллантириш

Юридик шахслар фаолиятининг молиявий натижалари фойданинг қуйидаги кўрсаткичлари билан тавсифланади:
- маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойда, бу сотишдан олинган соф тушум билан сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннари ўртасидаги тафовут сифатида аниқланади:

$$\mathbf{ЯФ=ССТ-ИТ}$$

бунда, **ЯФ** - ялпи фойда;

ССТ - сотишдан олинган соф тушум;

ИТ - сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннари.

- асосий фаолиятдан кўрилган фойда, бу маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойда билан давр харажатлари ўртасидаги тафовут ва плюс асосий фаолиятдан кўрилган бошқа даромадлар ёки минус бошқа зарарлар сифатида аниқланади:

$$\mathbf{АФФ=ЯФ-ДХ+БД-БЗ}$$

бунда, **АФФ** - асосий фаолиятдан олинган фойда;

ДХ - давр харажатлари;

БД - асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар;

БЗ - асосий фаолиятдан кўрилган бошқа зарарлар.

- хўжалик фаолиятдан олинган фойда (ёки зарар), бу асосий фаолиятдан олинган фойда суммаси плюс молиявий фаолиятдан кўрилган даромадлар ва минус зарарлар сифатида ҳисоблаб чиқилади:

$$\mathbf{УФ=АФФ+МД-МХ}$$

бунда, **УФ** - умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда;

МД - молиявий фаолиятдан олинган даромадлар;

МХ - молиявий фаолият харажатлари;

- солиқ тўлангунгача олинган фойда, у умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда плюс фавқулодда (кўзда тутилмаган) вазиятлардан кўрилган фойда ва минус зарар сифатида аниқланади:

$$\mathbf{СТФ=УФ+ФП-ФЗ}$$

бунда, **СТФ** - солиқ тўлангунгача олинган фойда;

ФП - фавқулодда вазиятлардан олинган фойда;

ФЗ - фавқулодда вазиятлардан кўрилган зарар;

- молиявий йилнинг соф фойдаси, у солиқ тўлангандан кейин хўжалик юритувчи субъект ихтиёрида қолади, ўзида фойдадан тўланадиган солиқни ва минус қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа солиқлар ва тўловларни чиқариб ташлаган ҳолда солиқлар тўлангунга қадар олинган фойдани ифодалайди:

$$\mathbf{СФ=СТФ-ДС-БС}$$

бунда, **СФ** - соф фойда;

ДС - даромад (фойда)дан тўланадиган солиқ;

БС - бошқа солиқлар ва тўловлар.

Солиқ ҳисоб-китобларини тузиш ва тақдим этиш тартиби ҳамда тўлаш муддатлари

Солиқ кодексининг 162-моддасига асосан *календарь йил солиқ даври ҳисобланади*, йилнинг чораги эса ҳисобот давридир. Фойда солиғини ҳисоблаш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

$$\Phi(c) = (Жд - Ч - И - СБК) \times Ст/100$$

бу ерда, $\Phi(c)$ - юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи; **Жд** - жами даромад; **Ч** - солиқ қонунчилигида кўзда тутилган чегирмалар; **И** - солиқ имтиёзлари; **СБК** - солиққа тортиладиган базани камайтириш суммаси; **Ст** - солиқ ставкаси.

Ушбу формуладан келиб чиқиб, бюджетга ўтказилиши лозим бўлган солиқ суммаси юридик шахслар томонидан бухгалтерия ҳисоб-китобига асосан мустақил равишда ҳисобланиб бюджетга тўланадиган солиқларнинг жорий тўловлари амалга оширилади.

Жорий тўловлар фойда солиғининг йил чораги суммасининг олтидан бир қисми миқдорида тенг улушларда ҳар ойнинг ўнинчи ва йигирма бешинчи саналаридан кечиктирмасдан тўланади. Ҳисобот йилининг ҳар чорагида маҳсулотларни сотишдан энг кам ойлик иш ҳақининг 200 баравари миқдорида фойдага эга бўлган корхоналар, шунингдек қишлоқ хўжалиги корхоналари улар ишлаб чиқаришнинг мавсумий тусдалигини ҳисобга олиб, йил бошидан ўсиб боровчи яқунга кўра ҳар чоракда бюджетга тўлайдилар.